O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
SARIOSIYO TUMAN
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА [redacted]ИСТАН
СУРХАНДАРЬИН[redacted] ОБЛАСТЬ
РЕШ[redacted]Е
ХОКИМА САРИ[redacted]ИСКОГО
РАЙ[redacted]

191001, Sariosiyo shaharchasi, M.Ulug`bek mahallasi Tel/fax: 0 (376) 487-64-[redacted]

2019 yil "09" сентябрь 5675 - sonli

Тумандаги умумий ўрта таълим мактабларининг микро ҳудудларини белгилаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3907-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли қарорларини амалда тадбиқ этиш ҳамда "Таълим тўғрида"ги Қонуннинг 4 ва 12 моддалари талабларига мувофиқ ҳамда туман адлия бўлимининг 2019 йил 07 сентябрдаги 01-11/39-сонли ҳуқуқий экспертиза хулосасини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Таълим муассасаларида "Мажбурий таълим" талабларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда мактаб микро ҳудудидаги ўқувчиларни мактабга тўлиқ жалб қилиш мақсадида мактаблар микро ҳудудлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Туман халқ таълими бўлими (А. Бобоев)га:

Тумандаги барча умумий ўрта таълим мактабларига ушбу қарорга асосан ўзларига бириктирилган микро ҳудудлар бўйича микро ҳудуд харитасини тайёрлаш, "Мажбурий таълим" дафтарини ташкил этиш;

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини белгиланган ҳудудларга бириктириш, ўз микро ҳудудларида яшовчи мактаб ёшидаги болалар ҳисобини аниқ олиб бориш ва "Мажбурий таълим"ни тўлиқ амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

3. Туман ҳокимининг 2018 йил 3 ноябрдаги 2962-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Мазкур қарор имзоланган кунидан бошлаб қонуний кучга киради.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ғ.Давлатов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: **А.Жўраев**

Devonxona

Asliga to`g`ri